

LONDON, UK

Conference Proceedings

8th International Multidisciplinary Scientific Conference

GLOBAL TECHNOVATION

June, 30th 2021

- Free Publication
- E- Proceedings
- E-Certificate
- Virtual Presentations

Conference Theme
Social Sciences Humanities
Education Management
Technology

Google Scholar

COPE

Platform &
workflow by
OJS / PKP



OpenAIRE

zenodo

Articles

1. PSYCHOLOGICAL APPROACH TO ACHIEVING RESULTS IN SPORT

Madaminov Khurshid Khomidovich, Usmanov Egamberdi Musinovich

1-4

2. MATHEMATICAL MODELLING IN ENGINEERING

Safarbayeva Nigora Mustafayevna

5-10

3. WIRELESS PREPARATORY SYSTEM TRANSFER OF INFORMATION

Azibaeva Durjamol Zhaldibayevna, Ergasheva Sabohat Nurillaevna
Yunusabad

11-13

4. THEORETICAL AND LEGAL ISSUES OF THE INSTITUTE FOR GENDER AND LEGAL EXAMINATION OF LEGISLATIVE DOCUMENTS IN FOREIGN COUNTRIES

Mahmudov Lazizjon Mirzaevich

14-18

5. THE FORMATION OF READINESS FOR SKILLED TENSIONS IN THE PROCESS OF PHYSICAL EDUCATION

Turdimurodov Dilmurod Yuldoshevich

19-22

6. DEFINITION OF INDIA IN BOBURNOMA

Sobirov Jamshidbek Zokirjon Ogli

23-25

7. ADVANTAGES AND DISADVANTAGES OF EXTENSIVE READING

M.S.Aliyeva

26-29

8. PRODUCT QUALITY AND CERTIFICATION BASIS

Tukhtasinov Shoxrux Bahodir ogli, Anvarova Feruzahon Fayzullo qizi

30-31

9. TOPIC: "PECULIARITIES OF SUCCESSFUL MASTERING OF TEACHING MATERIALS BY STUDENTS."

Artikov Jumaniyaz Otaboevich

32-35

10. INFORMATION TECHNOLOGY IN DIFFERENT COUNTRIES

Nurilloev Izzat Furqat o'g'li

36-38

11. THE ROLE OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN DESIGN

Sabrina Khamidova, Dosnazarova Available

39-41

12. ALISHER NAVOI'S POLITICAL VIEWS

Nilufar Davlatova, Shoirra Davlatova

42-45

13. WOMEN'S SPORTS AND PROBLEMS WITH REPRODUCTIVE HEALTH

Baltabaeva Nigora Bakhtiyarovna, Ikramova Indira Zufarovna

46-48

14. MONETIZATION OF NEWS SITES: FROM PROMOTION TO PROFIT

Beknazarov Kamoliddin Tursunpulatovich

49-51

15. MONETIZATION OF NEWS SITES OF DIFFERENT TOPICS

Beknazarov Kamoliddin Tursunpulatovich

52-54

16. NETWORK-SIDE TRUST MODEL FOR ROAMING AND NONROAMING CASES

Fozilov Firdavs Dilshod o'gli, Beknazarova Saida Safibullayevna

55-56

17. SYNTHESIS OF DISADVANTAGES IN THE DISTRIBUTION OF DIGITAL TELEVISION SIGNALS

Kh.N.Botirov, G.N.Memonova

57-59

18. PRODUCTION OF ANTIBIOTICS BY STRAINS OF ACTINOMYCETES OBTAINED FROM COTTON AND WHEAT SOILS OF UZBEKISTAN

Z.R. Akhmedova, B. F. Aripov, I. Sh. Sadykov

60-63

19. METHODS OF TEACHING HUMAN ANATOMY IN THE DIRECTION OF PHYSICAL EDUCATION

Avezova Mukhaye Khasanovna

64-66

20. DESIGN OF COMPLEX 3D OBJECTS OF A VIRTUAL STUDIO FOR MODERN TELEVISION BROADCAST

Abdullayev Og'abek

67-68

21. IMPROVING THE PROFESSIONAL COMPETENCE OF FUTURE BIOLOGY TEACHERS

Salimova Sarvinoz Farkhodovna

69-71

22. PROFESSIONAL AND PEDAGOGICAL COMPETENCE OF A FOREIGN LANGUAGE TEACHER

Mirzadiyarova Kamola Zukhriddin kizi, Nazirova Muattar Tulkunovna,

72-76

IMPROVING THE PROFESSIONAL COMPETENCE OF FUTURE BIOLOGY TEACHERS

Salimova Sarvinoz Farkhodovna

Teacher of the Department of Biology of BukhSU

Abstract: the article presents information about the development of professional competencies of students in the field of biological education, the improvement of pedagogical skills, the effective use of new pedagogical technologies in the educational process.

Key words: competence, professional competence, pedagogical skills, pedagogical technology, information, information technology, intelligence

БЎЛАЖАК БИОЛОГИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Салимова Сарвиноз Фарходовна

БухДУ Биология кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: мақолада биология таълим йўналиши талабаларининг касбий компетенцияларини ривожлантириш, таълим бериш махоратини ошириш, янги педагогик технологияларни таълим жараёнида самарали қўллаши тўғрисида маълумотлар келтирилган

Калит сўзлар: компетенция, касбий компетенция, педагогик махорат, педагогик технология, информация, инфорацион технология, интеллект.

ПОВЫШЕНИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ БИОЛОГИИ

Салимова Сарвиноз Фарходовна

Преподаватель кафедры Биология БухГУ

Аннотация: в статье представлена информация о развитии профессиональных компетенций студентов направления биологического образования, совершенствовании педагогического мастерства, эффективном применении новых педагогических технологий в образовательном процессе

Ключевые слова: компетентность, профессиональная компетентность, педагогическое мастерство, педагогическая технология, информация, информационная техника, интеллект.

Жаҳонда технологиялаштириш, автоматлаштириш ва сунъий интеллект тизимларининг интенсив ривожланиши бўлажак биолог-мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги сифатини орттириш ва меҳнат бозори талабларига мос рақобатбардош, компетентли кадрлар тайёрлашнинг креатив моделлари таълим жараёнига татбиқ этилган. Европа Экспертлар Ассоциацияси TUNING лойиҳаси доирасида “таълим натижаси сифатида муайян йўналиш таълим дастури ҳар бир цикли битирувчи фаолиятининг компетенциялар (competences) ёки қобилиятларини тавсифлайди”¹ дея таъкидланган. Биология фан тармоқларининг кенгайиши, биотехнология, молекуляр биология, ген инженерияси, микробиология соҳаларининг ривожланиши бўлажак биология ўқитувчиларининг касбий компетенциялари шаклланганлик даражасини баҳолашни методик жиҳатдан такомиллаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Республикамызда касбий етук, компетентли ҳамда илғор хорижий тажрибалар, халқаро мезон ва талабларига мос салоҳиятли мутахассис-кадрлар тайёрлаш, автоматлашган баҳолаш моделларини татбиқ этишнинг меъёрий асослари яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонида: – “таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш”² устивор вазифалар этиб белгиланди. Шу нуқтаи назардан эгаллаган таянч билимларни замонавий технологик шароитларда фаол татбиқ этиш компетенцияларига эга мутахассислар тайёрлаш, касбий компетентлигини баҳолашнинг автоматлашган тизимини методик жиҳатдан такомиллаштириш имкониятлари кенгайди.

Республикамыз ва хорижий давлатларнинг олимлари томонидан биология дарсларида талабалар касбий компетенцияларини шаклланганлик даражасини баҳолашни интерактив технологиялар асосида ташкиллаштиришга оид бир қатор тадқиқот ишлари амалга оширилган.

Республикамызда таълимни ахборотлаштириш, сифатини бошқариш, назорат қилиш ва диагностикалаш, бўлажак мутахассисларнинг касбий компетенцияларни ривожлантириш: А.А.Абдуқодиров, Б.З.Тўраев, Р.Б.Абдурахманова, Г.Ғ.Азизова, У.Ш.Бегимқулов, У.И.Иноят, Н.Н.Нарзиева ва бир қатор олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Бўлажак биология ўқитувчиларининг касбий компетенцияларини шаклланганлик даражасини баҳолашнинг интерактив технологиялар асосида ташкиллаштиришни дидактик шарт-шароитлари педагогик, психологик муаммолари амалий жиҳатдан узвий ўрганилиб педагогик муаммо сифатида асосланганлиги; талабалар касбий компетенцияларини шаклланганлик даражасини баҳолашнинг интерактив технологиялар асосида ташкиллаштириш мазмуни, методик шарт-шароитлари, замонавий интерактив метод, шакл ва воситалари аниқланганлиги; биология дарсларида талабалар касбий компетенцияларини шаклланганлик даражасини баҳолашнинг интерактив технологиялар асосида ташкиллаштириш методикаси ишлаб чиқилган бўлиб илмий тадқиқотларим давомида самарадорлиги аниқланган.

¹Ефремова Н.Ф. Подходы к оцениванию компетенций в высшем образовании: Учеб. пособие. – М. Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов, 2010, –С. 216.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон 07.02.2017 фармони.

Хулоса қилиб айтганда, талабалар компетентлигини баҳолаш кўрсаткичлари ва баҳолаш воситалари фондини шакллантириш бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятга тайёрлаш самарадорлигини оширишга ижбый таъсир кўрсатади.

Бўлажак биология ўқитувчилари касбий тайёргарлиги сифатини компетентли-методологик парадигма асосида компетенцияларни баҳолашнинг янги технологияларини, янги тизимини ишлаб чиқиш лозим.

Айни вақтда ҳар бир таълим муассасаси ўқув ва касбий фаолият соҳалари бўйича касбий компетенцияларни баҳолаш муаммосини амалий ҳал этиш, баҳолаш фондини яратишга эътибор қаратмоқда.

Тадқиқотимиз давомида талабаларнинг касбий фаолиятга тайёргарлигини бевосита касбий компетенцияларини баҳолаш мезонлари, жараёнлари, метод ва технологиялари йиғиндиси сифатида тадқиқ этилиб, баҳолаш воситалари фондини шакллантириш, компетенцияларни эгаллаш мониторинги дастурини ишлаб чиқишга қаратдик.

Талабаларнинг шахсий компетентлигини баҳолашда янги педагогик технологияларни самарали ва мохирона қўллаш олиши ҳам муҳимдир.

Бизнинг бўлажак биология ўқитувчиларининг касбий компетенцияларини такомиллаштириш мавзусида олиб бораётган тадқиқот натижаларимиздан келгусида компетенцияларни баҳолаш соҳасида таълим жараёнларини автоматлаштириш сифат менежменти тизимларини ишлаб чиқиш ва ривожлантиришда фойдаланиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ефремова Н.Ф. Подходы к оцениванию компетенций в высшем образовании: Учеб. пособие. - М. Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов, 2010. 216 с.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон 07.02.2017 фармони.
3. Печеркина А.А., Сыманюк Э.Э., Умникова Е.Л. Развитие профессиональной компетентности педагога: теория и практика. Монография